

РАУФ ТОЛИПОВ
ОНА ЮРТ

ШЕЪРЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ЛҚСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1976

Толипов Р.

Она юрт. Шеърлар. Т., «Еш гвардия», 1976.
31 б. расм. (Кичик ва ўрта ёшидаги болалар учун).

Талипов Р. Что такое Родина? Стихи.


Уз 2

Т $\frac{70803-401}{356 (06)-76}$ 117-76

© Издательство «Еш гвардия», 1976

ОНА ЮРТ

Тоғлар этагидан
Кўтариб чуввос,
Тўлқинлар шилдираб
Қилади овоз.
Шу дарё бўйига
Келиб тонг саҳар,
Олис-олисларга
Ташлайман назар.
Илк нурлардан водий
Жилоланади.
Уфқ этаклари
Тиллоланади.
Тўймай далаларга
Қанча қарасам,
Кўз олади водий
Кийиб беқасам.
Боқаман, боқаман
Орзиқади дил.
Чаманзорлар ичра
Кезади кўнгил.
Уйнаб, тутқич бермай
Қочади шамол,
Урик гулларини
Сочади шамол.
Уфққа чўзилган
Турфа гулларми?
Ё гулларга тўла
Нурли йўлларми?
Безанибсан бунча
Эй, она ўлкам,
Қирлар, лолалардан
Ёзипти гилам.
Мовий осмонларда
Чарх урган тўрғай,
Куйла, қўшиғинга
Водийлар тўлғай.
Бахтлиман, бахтлиман
Чунки шу чаман,
Шу осмон, шу тупроқ
Менгадир Ватан.




САМАРҚАНДГА САЕХАТ

Гумбазларда тонг чоғи,
Уйнар қуёш шуъласи.
Уйнар минг гул бўёғи,
Минг бир чаман жилваси.
Кезамиз Регистонда
Қасрлар жим,
Тошлар жим.
Гўё буюк инсонга
Асрлар қилар таъзим.
Сен ҳақингда Самарқанд
Тўқилган қанча эртақ.
Эртақларга бериб панд
Турибсан ҳамон бирдақ.



Самарқанднинг тарихи
Жанглар тарихи демак.
Роман, дoston таърифи
Бўлди Шарққа юрак.
Асрий зулматлар аро
Порлади илм нури.
Юлдузга бермиш зиё
Улуғбек ақл, шуури.
Навий бобомиз ҳам
Шу ерда олган таълим.
Самарқанд кўҳна олам
Илмгадир муаллим.
Улуғ Темур жаҳонгир
Бўлди дунёга ҳоқон.
Жаҳонни кезиб охир,
Шу ерда топмиш макон.
Айтинг, бунчалар ёниқ
Самарқанд юлдузлари?
Авлодларнинг у тиниқ
Биллур ёшли кўзлари.
Тошларда бўлиб ҳайкал
Қолган инсон ҳаёти.
Йилдан-йил топар сайқал
Боболарнинг ижоди.
Самарқанд сен жаҳоннинг
Сўнмас ёруғ юлдузи.
Қуррадаги инсоннинг
Сенга тикилган кўзи.
Бузиб тарих жимлигин
Утмишинг этгил баён.
Ўзбекларнинг кимлигин
Дунёга қилгин аён.
Асрларнинг юкини
Олиб келдинг елкада.
Топдинг энди эркингни
Бахтиёрсан ўлкада.
...Келажак зафаридан
У бизга эртақ айтиди.
Самарқанд сафаридан
Қўп нарса билиб қайтдик.




УМИДЖОННИНГ УЙЛАРИ

Уйлаб қолди Умиджон
 Уз номин маъносини.
 Мағзин чақайин обдон
 Номларнинг аълосини.
 Ҳаётда яшамоқнинг
 Нима илинж, қизиғи?
 Гулламоқ, яшнамоқнинг
 Нима илдиз, озуғи?
 Бу—орзу, умид аниқ
 Инсонга толмас қанот.
 Ҳаётни қилган қизиқ
 Орзу-умиддир ҳаёт.
 Ахир ҳар бир юракнинг
 Умиди жаҳон-жаҳон.
 Умид—орзу, тилакнинг
 Қалитидир бегумон.
 Умид гунчадек гўё
 Юракларда очар гул,
 Умид сочгач нур — зиё

Баҳордай яшнар кўнгиъ.
 Умид бўлмаса агар
 Йўқ изланиш, ҳаракат.
 Ҳаракатсиз муқаррар
 Одамни босар ғафлат.
 Умид бўлмаса инон
 Балки бўлмасди дунё.
 Уни умид-ла инсон
 Меҳнатдан қилди барпо.
 Қийинчиликни фақат
 Умид-ла енгар инсон.
 Умидсизни машаққат
 Енгиб қўяди осон.
 Умид борки дилимда
 Ортга қайтмам бир қадам.
 Майли, мақсад йўлида
 Ҳаётим соврилса ҳам.
 Дадамлар умид билан
 Умид деб қўйганлар ном.
 Мен бу номни оқлайман,
 Бошқа гап йўқ вассалом!



БУГУН ВА ЭРТА



Эрта... эрта... эрталар
Туганмас улар асло.
Юракларни эркалар
Ширин орзудек гўё.
Мен ҳам сендан, эй «эрта»,
Қиламан қанча умид.
Тезроқ бўлайин катта
Мени мақсадга элт!
Чин ҳамроҳ десам сени
Алдашга шайланасан.
Ухлатиб қўйиб мени
«Бугун»га айланасан.
«Эрта» ҳақида ўйлаб
Ўтказдим мен бугунни,
«Бугун» шамолга ўхшаб,
Кетди, қанча мазмуни.
Тўхта дейман, ҳой «бугун»
Чала қолди-ку ишим,
Ҳовлиқасан не учун?
Битмади дарс, ўқишим.
Олға чопиб тинмайсан
Гарчи сенда оёқ йўқ,
Сўзимни тингламайсан
Нега сенда қулоқ йўқ?
Билдирмасдан «бугун» ҳам
Ўтиб кетар «лип» этиб.
На чора, қилар алам
Бўлмайди ахир тутиб.
Баъзан бахтни кутгандай,
«Эрта»ни кутгим роса,
Дўстим дарсни ўқимай
Дейди: — Эрта келмаса...
«Кеча», «эрта» ва «бугун»
Айланиб ётар ҳар чоқ.
Ем бўлурсан сен унга
Ялқовлик қилсанг ўртоқ.

НЕГА ТОНГНИ СЕВАМАН?


Шамол тебратар, ўйнар,
Гулларнинг япроғини.
Хол каби шудринг безар
Фунчалар ёноғини.
Тонг аста юзин очди
Очилгандек сирень гул.
Қуёш илк нурын сочди
Тонгдек очилди кўнгил.
Уйлайман, нима учун
Тонгни севар ҳар одам?
Сабабин билай нечун
Тонг гўзалдир бунча ҳам?
Тонг қандай пок, беғубор
Олам ҳуснига кўзгу.
Тонгда қандай хислат бор,
Худди ниятдек эзгу.
Тонг—куннинг болалиги
Болаликни ким севмас?
Ёшлик мусаффолиги
Дилда ёқмасми ҳавас?
Қаранг, тонг ёш боладек
Кулиб, энтикиб боқар,
Уфқ-шафақ лоладан
Алвон галстук тақар.
Эришасан тонг чоғи
Дилда бўлса не ният.
Тилакка ҳам етмоғинг
Эрур ёшликда фақат.
Умрнинг баҳор фасли
Дил тошқин шалолалик.
Тонг гўзал эмас асли,
Асли гўзал болалик.



ГУЛ ТЕРАДИ ОЙМОМА

Дедим кўкка боққан кези
— Осмон гулзорми, дала?
Оқ чечак каби юлдуз
Очилар оқшом палла.
Оймома боғ оралаб
Юлдузгуллар термоқчи.
Даста-даста саралаб
Ахир, кимга бермоқчи?
Бу гуллар кимга дея
Ойга тикилиб боқдим.
Марс бобогами ҳадя
Е ерга этар тақдим.
Е юлдузлар тонг чоғи
Гулларга қўнармикан?
Шундан гулзор қучоғи
Юлдуздек ёнармикан?
Оймомажон тун бўйи
Кимни излар ажабо?
Гулларни ҳидлар тўйиб
Қуёшга тутарми ё?
Ҳар куни осмон боғда
Оймомажон гул терар.
Айтинг тонг отган чоғда
Гулларин кимга берар?





ЕР МЕҲРИ

Мовий осмон,
Кенг, бепоён.
У ерда йўқ
Гов ё тўсиқ.
Айт, эй қушчам
Кенг-а олам?
Сен бахтиёр
Қанотинг бор.
Учгин эркин,
Қўлда эркинги.
Қушча деди:
— Билсанг эди,
Мен осмонда
Учган онда,
Ер чиройин
Боғ, қир, сойин
Кўргим тўйиб,
Меҳрим қўйиб.

Гарчи осмон
Кенг, бепоён,
Қалбим лекин
Ерга мафтун.
Ернинг меҳри,
Ажиб сеҳри
Чорлар ҳамон,
Боғим томон.
Билсанг ошнам,
Кичик уям
Осмондан кенг,
Жаҳондан кенг.

БИНАФША

Бинафша маъсум кулар
Юз очиб эрта баҳор.
Эсар изгирин еллар,
Унгуларда ҳали қор.
Фақат барқ уриб кўклам,
Бинафшада акс этар.
Чаманлар жилваси ҳам,
Юзларида рақс этар.
Одамлар боқиб унга
Қанча қувонди ахир.
Бинафша хурсанд шунга,
Буёғи-чи, барибир.
Унга қичқириб еллар
Даҳшатлар солган чоғда,
Шафақ ранг турфа гуллар
Туш кўриб ухлар боғда.
Бинафшадек бўлмоқни
Гуллар ҳам қилар орзу.
Лек кўрмас баҳор чоғни
Элитар ғафлат уйқу.
Агар кеч очилганда
У ҳам гуллардек гўё,
Кезиб гулзор чаманда
Балки қилмасдим парво.
Худди эрта саҳарда
Енгандек тонг юлдузи,
Ҳар йили илк баҳорда
Бинафша очар юзин.

ЧИНОР

Чинор бўй чўзган кунга
Осмонга устун мисол.
Қайдан боқмангиз унга
Кўриниб турар яққол.
Қаримайди, доим ёш
Асрларнинг ҳамроҳи,
Қанча-қанча жанг, кураш
Воқеалар гувоҳи.
Бобом ёшлигида ҳам
Чинор экан навқирон.
Оламдан ўтди бобом
У-чи, турибди ҳамон.
Ўз-ўзимча чинорга
Баъзан қиламан ҳасад.
У етар ҳар баҳорга
Сийлайди уни ҳаёт.
Дейман чинорни кўриб
Инсон умри бунча кам?
Яшамас давр суриб
Чинорнинг ярмича ҳам.
Ким билади қачонлар
Бу чинорни ким эккан?
Ўтди қанча замонлар...
Қилган иш ўлмас экан.
Майли ким бўлмасин у
Чинорни эккан маҳал
Ўзи-ўзига мангу
Қўйгандир улкан ҳайкал.
Умр бўлмагай такрор,
Умр қисқадир лекин —
Бир яшашда юз чинор
Умрин яшамоқ мумкин.
Кимки қилса ўлмас иш
Номи асрлар ошар.
Чинордек билмай қариш
Одам ишида яшар.





БАҲОР ШОШИБ ҚОЛИБДИ

Баҳор шошиб қолибди,
Қўнгли тошиб қолибди.
Булутларга минволиб,
Тоғдан ошиб қолибди.
Қараса боғ, далалар
Ухлаб ётибди қотиб.
Ел бўлиб ҳуштак чалар
Табиатни уйғотиб.
Кўзларини ишқалаб,
Боғлар уйқуси қочар.
Дарахт шохлари юзлаб,
Куртак кўзини очар.
Она ер қор кўрпасин
Улоқтириб ташлади.
Гулдор, яшил кўйлагин
Шошиб кия бошлади.
Дарахтлар тонг елида
Қилишар физкультура.
Қуёш бобо тоғ оша
Ҷаваас-ла қараб турар.


ОЙНА ТОҒДА¹

Чўққилар, чўққилар,
Юсак чўққилар.
Қанча доvon ошиб
Сизга чиқилар.
Тоғлар, баланд тоғлар,
Ажойиб қандай,
Кўринар узоқдан
Жимирлаб Нанай.
Арчазорлар кўрки
Ўзгача тамом.
Юз афсус, минг афсус
Эмасман рассом.
Ҳой еллар, қистаманг
Чиза олмайман,
Қарайман, қарайман
Кўз узолмайман.
Ойна тоғ кўринар
Водийлар оша.
Борлиқ ўз ҳуснини
Қилсин томоша.
Табиат, ўзингни
Истасанг кўрмоқ,
Тоғларнинг кўзгуси —
Ойна тоққа боқ!

¹ Ойна тоғ — Бўстонликдаги тоғ номи.

КЕККАЙИШ

Ям-яшил шоҳлар аро
Бир новда тикка ўсиб,
Кеккайиб, қилиб ҳаво
Сўзлар елларни тўсиб:
-Келтирдим юртга кўклам,
Менга бош эгсин қуёш.
Илдиз деди: -Ҳой, болам
Бунчалар бўлма бебош.
Танангга ўйла ахир,
Гердаяр мевасиз шоҳ.
Бу сўзлардан барибир
Бўлмади новда огоҳ.
Илдиз қолди ноилож,
Новда сўзларди ҳамон:
— Дарахтга мен шоҳ, гултож
Мен билан гўзал осмон.
Эшитиб унинг сўзин
Дарғазаб бўлди шамол.
Уриб новдага ўзин,
Қутирди довул мисол.
Боқсам ел тинган чоғи,
Новда ётарди ерда.
Сўлганди гул, япроғи
Баҳор яшнарди элда.



ШАРШАРА

Шаршарага ким қилмас ҳавас,
Қай юракда завқ уйғотмас у?
Кўтарганча шовқин, гулдурос,
Тоғдан сакрар билмайин

қўрқув.


...Оқар эди юксада сокин
Тубсиз жарга келиб ногоҳ дуч
Юрагидан отилди тўлқин
Ва кўринди бағридаги куч.
Учрасада ҳар қандай тўсиқ,
У шаштидан қайтмагай асло.
Куйлар мардлик ҳақида

қўшиқ,

Асрий тоғлар титрайди гўё.
Тиним билмас, оқар шиддаткор
Чунки буюк дилида орзу.
Йўлда келса тоғларга дучор
Юксакка ҳам отилади у.

ЕР ЮЗИ «АРТЕК» БЎЛСА...

Кўклам каби келди ёз,
Оламга бериб пардоз.
Яшнар юртнинг тоғ-тоши
Бахтимиз — ёз қуёши.
Умримиз ҳамиша ёз,
Ранго-ранг чамандек соз.
Ёз ҳам бизга ўхшайди,
Биздек кулиб яшнайдди.
Очар кенг сахий қучоқ.
Кутар бизни дала, боғ.
Она ернинг юлдузи,
Дунёнинг кўрар кўзи
Биз совет ўғил-қизи
Деймиз бутун ер юзи
Бир гулбоғ «Артек» бўлса,
Болалар ўйнаб кулса.
Одам қулочин ёйса,
Уфқлар ҳам кенгайса.
Негр, рус, испан, араб
Ҳамма бола қўл ушлаб
Ердек кенг давра қурсак,





Яйраб, чордона курсак.
Куёшдек гулхан ёқсак,
Сўзлашиб, чақчақлашсак.

Ҳамма бирга ўйнаса,
Ҳамма бирга куйласа,
Тинчлик куйин янгратсак,
Гимндек жаранглатсак...

ҚУЁШ НЕГА БЕКИНДИ?

Кўкдан шод боқса қуёш,
Дов-дарахт чанг кўринди.
Бу ҳолга қилмай бардош,
Булут ичра бекинди.
Бирдан бўлиб тўполон,
Гумбурлади қалди роқ.
Умивальник нақ осмон
Сел куйиб берди шу чоқ.





Томчилар шишиб-шишиб,
Совундек кўпиради.
Ёмғирда бўкиб, пишиб,
Дов-дарахт чўмилади...
Ҳайрон қилиб кишини
Ёмғир тинди бирпасда.
Тугатиб ўз ишини
Булутлар тарқар аста.
Ана, қуёш мамнун, шод,
Жилмайиб кулиб боқди.
Тиниқ, тоза табиат
Қуёшга жуда ёқди.

ОЛТИН КУРАК¹

Олтин ел — олтин курак
Ёқимли майин ипак.
Уйнар, эсар сарсари,
Шўх раққоса сингари.
Айланиб ҳаракатда
Тинмайди бир зум ҳатто.

¹ Баҳор шамоли.

Қор қолмас адир-пастда
Борлиқ яшнар, ораста.
Қиш айланар кўкламга,
Баҳор келар ўлкамга.
Ғуборни севмас баҳор
Шу сабаб тинмай бедор,
Супурар боғ-роғларни
Адир, йўл, қишлоқларни.
Олтин ел — олтин курак,
Чарчамас полвон билак.

МЕНДАН ХУРСАНДМАС ҲЕЧ КИМ

Роса елдим, югурдим,
Ҳамма ишга улгурдим.


Олиб қўлга картошка
Қиришдим тез артишга,
Ярмиси чиқди пўчоқ,
Есин-да, ахир бузоқ.

Менман энг уста ошпаз,
Лагердачи, бултур ёз
Қотиргандим шўрвани,
Мақташганди хўп мани,
Ширин бўлсин деб атай,
Қанд солгандим билдирмай.

Ёмонмас ўқишим ҳам,
«Икки» ҳам бор, «беш»им
ҳам.

Баъзи болалар бироқ
Дарс пайти иши чатоқ,
Доскага чиққан замон,
Туришар лолу ҳайрон.
Уларга бериб ёрдам
Бирма-бир айтиб турсам,
Муаллим мenden хафа,
Бу ахир қандай гап-а?

Шунча елдим югурдим,
Мендан хурсандмас ҳеч ким.



ҚҰЗИВОЙ БИЛАН ҚҰЗИЧОҚ

«Не учун отим Қўзи
Қизиқ-ку қўзи сўзи?»
Қўзивой ранги ўчиб
Қўзига қарар чўчиб.
Кавш қайтарар қўзичоқ
Ётар талтайиб шу чоқ.
Қорни очса маърайди,
Ён-атрофга қарайди.
Овқат берса ялайди,
Еб-ичишга ярайди.
Қўзивой дер ўзига:
— Ухшайманми қўзига?
Менмас, баъзи болалар,
Анқов, кўзи олалар
Бўлиб нақ қўзисифат
Овқатни билар фақат.
Ухшамайман йўқ, унга
Қўзи ўхшасин менга.

ПИОНЕР ЕЗИ


Салом сизга, эй юксак тоғлар,
Арчазорлар, жимжит даралар.
Горнимиз янгроқ овози,
Водий бўйлаб янграр, таралар.
Нур шафақдан галстук таққан,
Эй, қадрдон пионер ёзи
Эркалайсан, худди онадек
Осмон каби қучоғинг ёзиб.
Кўрганимиз ҳаммаси илм,
Табиат ҳам билсак бир мактаб.
Мактабларнинг она бошиси,
Энг чиройли қизиқ, нур мактаб.
Қояларга миниб олсак биз,
Тоғлар худди парта — гижинг той.
Дала, қирлар очиқ китобдир,
Боқсанг кўзинг қувнайди

хай-хай...


Қалбимиздан учқун олдириб,
Қуёш мисол ёқсак гулханлар,
Биз юганда ҳавас-ла боқар
Яшилликлар, гуллар, чаманлар.
Салом сизга эй, юксак тоғлар,
Арчазорлар, жимжит даралар.
Горнимиз янгроқ овози,
Водий бўйлаб янграр, таралар.

НИҲОЛ

Далада бир туп ниҳол
Туғилди баҳор чоғи.
Япроғин ўйнар шамол,
Еллар бўлди ўртоғи.
Кўк сари чўзди бўйин,
Қуёш тўқди нур-шуъла.
Қизиб кетди ёз тўйи,
Қушлар айтди ашула.
Ёнидан ўсиб бир кун,
Чиқди маккажўхори.
Ўртоқ бўлишди қалин
Ўсишиб тик—юқори.



Тарвуз унга дўст бўлиб
 Уради палакларин.
 Туради ачом қилиб
 Ниҳолнинг билаклари.
 ...Босар уни ташвиш, ғам
 Келмоқда аёзли куз.
 Учиб кетди қушлар ҳам
 У эса қолди ёлғиз.
 Кўзга кўринмас афсус,
 Оғайнилар бу палла.
 На жўхори, на тарвуз,
 Бўшаб қолган кенг дала.
 Майли, ёз кетса қочиб
 Ниҳол, қайғурма бекор.
 Иссиқ кучоғин очиб
 Келар-ку яна баҳор.




ДЕНГИЗ БҮЙИДА

Уфқдан чиқиб қуёш,
 Сочар шуъла — ёлқинлар.
 Қирғоқларга уриб бош,
 Эркаланар тўлқинлар.
 Тўлқинни қувлар тўлқин,
 Денгиз хаёлим тортар.
 Унга боққаним сайин
 Дилимда ҳавас ортар.
 Балки меҳрим олганми,
 Бепоён чексизлиги?
 Қалбимга завқ солганми
 Денгизнинг тенгсизлиги?
 Уйнаб кўкка сапчир сув
 Тошади денгиз дили.
 Бир нима демоқчи-ю,

Афсус йўқ, денгиз тили.
 Билсам денгиз юраги
 Шодликларга тўладир.
 Кўпдир орзу-тилагини
 Шу сабаб ғулғуладир.
 Болалигимни аён,
 Кўрдим денгиз қўйнида.
 Шўхликларим намоён
 Тўлқинларнинг ўйнида.
 Болаликда денгиздай,
 Оламча кучу-қувват.
 Денгизда болаликдай
 Яширин қанча қудрат.
 Денгизни севмайди ким,
 Болаликни ким севмас?
 Шунданми менда балким
 Денгизга меҳр-ҳавас.

ОЛЧА


Кўринг, олча хўп товланар,
Оловланар.
Уйлаб-уйлаб дейман: — Қизик
Бунча қизил?
Сабабини билиб олдим,
Қойил қолдим
Боғбон ишин ёқларманми,
Оқларманми —
Деб ҳайратда юзи ёнар,
Оловланар.



КЕЛ, ДЎСТИМ

Зангори кўл узра
Нур сочар кўёш,
Мавжланиб сув бети
Аста жимирлар.
Қирғоққа урилар
Тўлқинлар бебош,
Толга боғлиқ қайиқ
Титрар, қимирлар.
Шуълалар тарқалар
Япроқлар аро
Сокин тонг қўйнида
Мудрайди борлиқ,
Боғлар чиройига
Кўл кўзгу гўё
Сувни шалолатиб
Уйнайди балиқ.
Урдаклар қағиллаб
Ёйилди кўлга,
Қирғоқда сочини
Ёйган мажнунтол...


Севинч бахш этмайди,
Айтинг, қай дилга
Чаманлар ҳидини
Келтирса шамол.
Зумрад гул япроғи
Аста чайқар бош.
Энтикар шодликдан
Юз очган ғунча,
Табиатга жило
Берар тонг наққош,
Жилваланар борлиқ —
Чиройли бунча?
Кел, дўстим,
Кел, дўстим,
Қайиққа тушиб,
Сайр этиб кезайлик
Узоқ-узоқда.
Ҳавас қилиб бизга
Бағри увишиб,
Дарахтлар қолишсин
Қараб қирғоқда.



ОЙ КАБИ ТАНҲО ПАХТАМ

Не сабаб пахта оппоқ
 Ахир қора-ку тупроқ?
 Ё булутлар аксими?
 Ё юлдузлар рақсими?
 Йўқ, пахтам ойдек танҳо
 Ҳуснига олам шайдо.
 Бу пахтакор меҳнати
 Тинимсиз ҳаракати.
 Меҳнат қилгач чинакам,
 Қараб турарми ер ҳам?
 Очар ғавҳар дурини,
 Осмон зарҳал нурини
 Тўкади ҳамма борин,
 Ёғдирар пахта қорин.
 Очилар юлдуз кўсак,
 Пахтам сўлмас оқ чечак,
 Ҳуснига боққан кезинг

Нурдан қамашар кўзинг.
 Айтсам оппоқлик сири
 Шу пахтада яширин
 Деҳқон марварид тери,
 Қўёшнинг олов қўри.
 Она ернинг ҳиммати,
 Қишдаги қор қуввати,
 Булутларнинг акси ҳам,
 Юлдузларнинг рақси ҳам
 Сувчининг меҳнати ҳам
 Шу пахтада мужассам.
 Пахтанинг оппоқлиги,
 Пахтакор қалб оқлиги.
 Гап қисқаси аввало,
 Меҳрдан бўлган пайдо.
 Шунинг-чун ойдек танҳо
 Сочади шуъла-зиё.
 Теришга ҳам кўз қиймай,
 Лекин толасин қўймай
 Ишимиз йиғиб олмоқ
 Пахтадан уямиз тоғ!



ДИЛИДА ЯШАР ТОҒЛАР

Тошқин сойнинг қошида
Туриб қолдим мен узоқ.
Турли ўйлар бошимда
Куйига солдим қулоқ.
У кулар, йиғларми ё
Шўхликлари нега кам?
Нега бу мунгли садо
Юрагида қандай ғам?
Билсам, ўзи туғилган
Қорли тоғлар ҳақида,
Менга орзиқиш билан
Сўйлар эди ақида.
Тоғлар яшар дилида —
Ҳамон бағрига чорлар.
Ахир унинг йўлида,
Сув бўлиб оқди қорлар...
Тиним билмай бир фурсат
Сой чопади илгари,
Элга қилмоқчун хизмат
Далалар, боғлар сари.
Табиат жимиб қолар
Қўшиғига маҳлиё.
Ел тўхтаб қулоқ солар
Қушлар сайрамас ҳатто...
Сой қўшиғи аллалаб

Аста ухлатиб қўйди.
Яна ўзи эрталаб
Мени уйғотиб қўйди.

КЕЧ КУЗ

Боғлар қолди ҳувиллаб
Шамол эсар ғувиллаб.
Узоқ иссиқ элларга
Қушлар учди чувиллаб.
Кундан-кун тушар салқин,
Дарахтлар юпин, ғамгин.
Кузатсам тонг чоғида
Қиров қўнипти қалин.
Ҳозир терим палла-да,
Ҳамма пахта далада.
Меҳнат завқи акс этар
Қувноқ қўшиқ, яллада.
Фурсат ғанимат ахир
Кўкда булут қорамтир.
Қилгандек худди огоҳ
Аста шивалар ёмғир.
Шиша каби тиниқ сув
Юртим ҳуснига кўзгу.
Қирғоқда униб майса,
Яшашни қилар орзу!

ИҮҚ ЧУЧИМАНГ ЮЛДУЗЛАР

(Машқ майдонида)

Оқшом. Жимжит ҳаммаёқ
Эсади енгил шамол.
Уфқда ёнбошлаб тоғ
Суради ширин хаёл.
Даҳшат солиб шу фурсат
Бошланиб қолди «уруш».
Уқдек отилди солдат
Майдонда қилиб юриш.
Миналар портлашидан
Титрар эди ер ҳатто.
Аланга оташидан
Еришиб кетди фазо.
Кўкда учар физиллаб
Ракеталар қарвони.
Снарядлар визиллаб
Ёндиргудек дунёни.
Олов сочиб, буралиб
Бирдан гумбирлар пушка.
Тошбақадек судралиб
Танклар тушди ишга.
Қўрқишиб бениҳоя
Йилтиллашар юлдузлар.
Яна урушми дея
Милтиллашар юлдузлар.
Қанча даҳшатли жангга
Эй, юлдузлар сиз гувоҳ,
Юртни олган аланга...
Эсга тушдим эвоҳ.
Чўчиманг, эй юлдузлар,
Уруш бўлмайди асло.
Бизлар машқ қилган кезлар
Қўрқиб юрмангиз асло.
Душман бор экан ҳали
Дилда ғазаб, қасос бор.
Кечми ё тонг маҳали
Солдат жангга шай, тайёр!



ҚИШ БОБО ЗИЁФАТИ

Қиш бобо хурсанд ғоят,
Берди катта зиёфат.
Үйи борлиқ, табиат
Қиш бобо олий ҳиммат,
Ёзди ипак қор гилам
Ясанди бутун олам.
Шохларда мева пишган,
Эгилиб пастга тушган.
Деразада чаман гул,
Яшнаиди гўзал қор — дур.
Бошланар базм, ўйин
Қизир қиш бобо тўйи.
Қапалак қор осмонда,
Осмонмас, ҳар томонда
Пирпираб ўйнаб берди,
Шамоллар куйлаб берди.
Қишни булбули Қарға
Қўшиқ бошлади «қар», «қар».
Қиш бобонинг уйига,
Ўйин, кулги тўйига
Кириб келди шу замон
Янги йил — азиз меҳмон.


ЛАЙЛАК ҚОР

Лайлак қору, лайлак қор,
Тинмай ёғар лак, лак, қор.
Ёғ, бизларга керак қор,
Лайлак қорми, ўрдак қор,
Бунча ялт-юлт этасан,
Қўк юзини тутасан.
Менинг жажжи лайлакчам,
Қўклам ёздан даракчим.
Юмшоқ зар патинг борми?
Қилча қанотинг борми?
Ингичками оёғинг
Онпоқ-ку ҳаммаёғинг?
Осмонда минг лайлак қор,
Осмонда минг лак, лак, қор.
Учишар липиллашиб
Бир-бирини қувлашиб.





НИМА У?

Бордир шундай хазина,
Доим тайёр, нақдгина.
Ҳеч бир бойлик келмас тенг,
У бойликлар негизи,
Ҳаётимиз илдизи.
Бу бойликни-чи, ўғлим
Олиб кетолмас ўғри.
Утга отгил ёнмайди,
Одам унга қонмайди.
Шамол ҳам учиролмас,
Сел, ёмғир ўчиролмас.
Сувга ташла оқмайди,
Нодон унга боқмайди.
Китоблар уясида,
Олимлар миясида
Бу бойлик топар жило,
Офтобдек сочиб зиё.
Ақл унинг дояси,
Шуурдир ҳамсояси.
Одам учун доимо,
Қимматли ва бебаҳо.
Бу бойликни меҳнатсиз,
Олиб бўлмас заҳматсиз.
У одам ўзи билан
Айтинг-чи, нима экан?
Ўзим айтай ол билиб
Бу бойлик ўғлим, билим.



ЧЕҲРА ГУЛИ

Кулгу бесўз қўшиқдир
Кўнгилларнинг навоси.
Ҳамма унга ошиқдир,
Кулгу—шодлик садоси.
Гўё сеҳрловчи тонг,
Ёки баҳорги лола.
Кулгу ҳаёт,
Кулгу тонг
Ё отилган шалола.
Кўкда, қарагин ҳатто,
Кўёш кулиб нур сочар.
Гуллар чаманлар аро,
Жилмайишиб юз очар.
Гулдай чиройли кулгу,
Жилваси ёнар кўзда.
Табассум шундай гулки,
Очилиб яшнар юзда.
Табассумда зўр куч жам,
Бор гўзаллик акс этар.
Очилиб гул-гул олам,
Жилваланиб рақс этар.
Ҳатто инсон саҳрога
Улашмоқда табассум.
Қулоч ёйсин дунёга,
Кулгувчи гўзал мавсум.
Кулар, қара оламга
Нега кулмасин одам?
Кулиб турган одамга,
Кулиб кўринар олам.




ОЛАМ КЎРСАТАР ЖАМОЛ

Ун тўрт ёшда ажабо
Қайта туғилдим гўё.
Уқиб ўрганган сайин
Англадим секин-секин
Эканман роса гумроҳ,
Ўзимдан бўлмаёғоҳ.
Энди очилди кўзим,
Билдим ўзимни ўзим.
Кўнглимда чечак унди,
Қалбимга офтоб кўнди.
Фикр ғунчам очилди,
Ақл атри сочилди.
Очилди зеҳн, онг кўзим

Гўё очди тонг юзин.
Осмон ичида осмон,
Жаҳон ичида жаҳон,
Қандай чиройли олам,
Уртоқлар энди билсам
Кўз—юрақнинг ойнаси,
Юрак—олам саҳнаси.
Дунёда кўп қизиқ иш,
Ҳар нарсага қизиқиш,
Куйиниб, бўлиш ҳайрон,
Кўриш эмасдир осон.
Кўз эмас бу икки кўз
Қушда ҳам бор укки кўз.
Онг кўзингни ишга сол,
Олам кўрсатар жамол.




УФҚЛАР




Уфқлар ҳой уфқлар,
Бунча сиз олис, узоқ.
Сурма ранг кўк чизиқлар,
Мени чорлайсиз ҳар чоқ.
Кўк ухлаб олар ором
Уфқ — унинг киприги.
Уфқ—улкан космодром,
Ер, осмоннинг кўприги.
Ҳайлар эдим гўдак чоғ
Уфқ—оламнинг кети.
Билмасдан сира чарчоқ
Уфқни қувлаб кетиб.
Қолсам сал яқинлашиб
Уфқлар чекинарди.
Мен билан ҳазиллашиб
Тоғ оша бекинарди...
Мени банд этар ҳайлар
Дунё бағри бунча кенг?
Жимиллаган кўл, сойлар
Боғлар яшил денгиз денг.
Ердаги қир, чаманнинг
Кўринмас чегараси.
Ё юлдуззор осмоннинг
Ҳар бир юлдуз ораси
Ҳар битта уфқдир,
Ҳар бир юлдуз бир олам,
Минг-минг уфқ чизиқдир
Худди шунингдек ер ҳам.
Бундоқ ҳайлаб қарасам
Уфқ олис-ку бироқ —
Инсоннинг ақл уфқи
Олдида уфқ ҳайнчоқ.
Ақл уфқин кенглиги
Кимни қолдирмас ҳайрон?
Янги уфқлар очар
Ҳар бир қадамда инсон.

ЧҶРТАН БАЛИҚНИНГ ТУШИ

Бир кун Чўртан туш кўрди,
Тушда қизиқ иш кўрди.
Иштаҳаси нақ карнай,
Яланармиш наҳангдай.
Кеч бўлиб тонг отармиш,
У тинмай еб ётармиш.
Боқув отдек йилтиллаб,
Кўзидан мой милтиллаб
Этига қўшилиб эт,
Бўлиб кетди улкан кит.
Оғзини очиб жардай
Пишқириб оч аждардай
Акулани тутибди,
Бир ҳамлада ютибди.
Еса-да, ҳеч тўймасмиш
Очкўзлигин қўймасмиш.
Кезиб денгизни ҳар кун,
Қилармиш остин-устун.
Дермиш: мен денгизга шоҳ
Денгиз аҳли бўл огоҳ.
Чиқардим шундай фармон,
Ҳеч ким қолмагай омон.
Улжалар келсин ўзи
Бажарилсин шоҳ сўзи.
Нонуштага бир йўла



Ейман ўн беш акула.
Пешинда ҳам кетма-кет
Тушираман ўнта кит.
Кечки овқатга тайёр
Турсин ўн беш кит қатор.
Қунлар ўтиб шу зайл
Семириб секунд сайин,
Денгизга сиғмай қопти
Овқатлар сингмай қопти.
Қорни қимирлар эмиш,
Китлар ғимирлар эмиш.
Денгизда бўлиб бўрон
Китлар кўтариб исён
Қорни ёрилиб кетди,
Балиқ уйғониб кетди,
Шу билан шеър ҳам битди.






БУ КУЛГУ БУЛДИ ЖАЗО

Болаларнинг ичида
Қизиқчи-да, Холиқул.
Қаёқдаги гапларни
Уйлаб топади нуқул.
Бир кун дер:—Биласизми,
Қанақа бўлар қишлоқ?
Шаҳардагидек гўё.
Асфалтмикан ҳаммаёқ?
Сут пайдо бўлар қандай,
Еки борми сут ҳовуз?
Олишса ҳамки тинмай
Нега тугамас ҳануз?
Оҳ, асал ширин бунча
Келтиришар қишлоқдан,
Борми дейман ўзимча
Асал завод у ёқда?
Олма каби тухум ҳам
Усармикан дарахтда?
Бошим қотади бирам
Қандай ўсади пахта?
Билдим, булут хирмони
Осмонда паға-паға.
Булутлардан пахтани
Ишлайди деҳқон тоға.
Ишкомда пишар буғдой,

Узумдек маржон-маржон.
Қизарар қуёш чўғда
Шохида булочка нон.
Ҳойнаҳой тарвузлар ҳам
Дарахтада пишса керак.
Дарров узмасанг, бирдан—
Бошга ҳам тушса керак.
Уйлайман ея туриб
Борми картошка тоғи?
Лавлаги, шолғом, туруп
Уюлиб ётар чоғи.
Эсимга тушди бир гап:
Дейишар бор қоракўл.
Қора денгизга ўхшаб
Чўмилсанг унда нуқул.
Китобда кўрдим расмин,
Сигир, кучукдан катта.
Қишлоққа борсам тағин
Тишлаб олса-я шартга?
Деса болалар уни
Мазах қилиб кулишди.
Ер ёрилсайди қани,
Роса изза қилишди.
— Сен ҳаётдан барибир
Ортада қолибсан ошнам.
— Нима қилайин ахир
Шаҳар боласи бўлсам.
Шолғомдек ёнар юзи
Бу кулгу бўлди жазо.
Дер:— Ҳаммасига ўзим,
Айбдорман аввало.



МУНДАРИЖА

Она юрт	3	Мендан хурсандмас ҳеч ким	15
Самарқандга саёҳат	4	Қўзивой билан қўзичоқ	16
Умиджоннинг ўйлари	5	Пионер ёзи	17
Бугун ва эрта	6	Ниҳол	17
Нега тонгни севаман	7	Денгиз бўйида	18
Гул теради Оймома	8	Олча	19
Ер меҳри	9	Кел, дўстим	19
Бинафша	9	Ой каби танҳо пахтам	20
Чинор	10	Дилида яшар тоғлар	21
Баҳор шошиб қолибди	11	Кеч куз	21
Ойна тоғда	11	Йўқ чўчиманг юлдузлар	22
Кеккайиш	12	Қиш бобо зиёфати	23
Шаршара	13	Лайлак қор	23
Ер юзи «Артек» бўлса	13	Нима у?	24
Қуёш нега бекинади?	14	Чехра гули	25
Олтин курак	15	Олам кўрсатар жамол	26
		Уфқлар	27
		Чўртан балиқнинг туши	28
		Бу кулгу бўлди жазо	30

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

РАУФ ТАЛИПОВ

ЧТО ТАКОЕ РОДИНА!

С т и х и

Издательство «Ёш гвардия» Ташкент—1976

Редактор Сафар Барноев. Рассом А. Гуломов.

Расмлар редактори Қ. Алиев. Тех. редактор Л. Жихарская.

Корректор М. Тониров.

Теришга берилди 19/IX-1975 й. Босишга руҳсат этилди 9/II-1976 й. Қоғоз № 1. Формати 60×84¹/₁₆. Босма листи 2,0. Шартли босма листи 1,86. Нашр листи 2,44. Тиражи 30.000. Р 11066.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 99—75. Ваҳоси 15 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмаҳонаси. Тошкент—«Правда Востока» кўчаси 26, 1976 й. Заказ № 3696.